

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИНИ СҮРОҚ ҚИЛИШНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ВА МОҲИЯТИ

Шомирзаев Саҳодулла Ҳасанбоевич

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши
академияси Дастлабки тергов ва суриши турув
кафедраси доценти, ТДЮУ мустақил изланувчиси*

Мазкур тергов ҳаракатини шаклланиш тарихи бошқа турдаги тергов ҳаракатларининг ривожланиш тарихи билан таққослаганды унинг давомлироқ ва бойроқ эканлигига амин бўламиз. Хусусан, жаҳон тарихида сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги V асрларга бориб тақалади ва бу ҳақида Ману Қонунларида ҳам эслаб ўтилган. Ўша даврдаёқ сўроқ қилинадиган шахсларга қўйиладиган талаблар, уларнинг қўрсатувларининг ҳаққонийлигини билдирадиган мезонлар белгилаб қўйилган эди.¹

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг тарихи, аввало, жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни сўроқ қилиш билан боғлиқ. Айнан гумон қилинувчини сўроқ қилишга оид жаҳон тарихида турли усуллар қўлланилганлиги тўғрисида тарихчилар маълум қилинган. Жумладан, қадимги Хитойда гумон қилинувчини гуруч ёрдамида сўроқ қилиш йўлга қўйилган эди, яъни гумон қилинувчи оғзига қуруқ гуручни солиб ўзига қўйилаётган гумонни, айни эшитиши лозим эди. Якунида унинг оғзидаги гуруч қуруқлигича қоладиган бўлса, гумон қилинувчининг айби тасдиқланган бўлар эди, чунки улар буни қўркув таъсирида оғзи қуруқшаб кетиши ва тупук ажралиши тўхташининг натижаси деб билишарди.

Шунга ўхшаш уринишлардан бири эса қадимги Ҳиндистонда гумон қилинувчини сўроқ қилишда ҳам фойдаланилган. Бунда гумон қилинувчини сўроқ қилишда унга жиноят билан боғлиқ нейтрал ва танқидий сўзлар айтилган вақтда гумон қилинувчининг миясига келган биринчи сўзни айтиши ва боши билан гонгга (*гонг – урма мусиқа чолгуси, Жанубий-шарқий Осиё халқларида кенг тарқалган. Биринж ёки жездан қайрилган диск шаклида ясалади, маҳсус таёқ билан урганда чўзиқ, оҳангдор товуш ҳосил қиласди. Қадимдан жарчи чолгу сифатида ишилатилган*) зарба бериши керак бўлган. Нейтрал сўздан кўра танқидий сўзга жавоб кучлироқ зарб билан берилган. Мана шундай сўроқ қилиш процедуранари тарихда дунёning турли жойларида, турли халқларида ҳар хил ақтларда турли-туман бўлган. Ўрта асрлар Европасида ҳам, оддий қабила шаклида яшаган халқларда ҳам ўзига яраша сўроқ қилиш амалиёти кузатилган.²

¹ https://studbooks.net/1153431/pravo/istoriya_doprosa

² https://studbooks.net/1153431/pravo/istoriya_doprosa

Амир Темур давлатида вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов қилиш ўтказиб турилган, деб ёзади олим А.Ж.Бадиров. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилик ичиш, майший бузуқлик кабилар оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Суиистеъмол қилиш раият орасидагина эмас, Темур авлодларига тааллукли бўлганда улар тегишли жазоларини олганлар. Тарихий манбаларда келтирилишича, унинг ўғли Мироншоҳ, неваралари Пирмуҳаммад ва Халил Султонлар ҳам халқ олдида жазога тортилганлар.³

Содик кишилардан бири бу ҳодисадан воқиф бўлиб, ҳазратга келиб арз қилди. Ҳазрат ул тўрт шахсни ҳузурига чақириб сўроқ қилди... Маълум бўлдики, бу чин экан.⁴

Бу орада адоват уруғини энг кўп экканлардан бири — Кайхусрав шу уруғлардан униб чиққан ажал ҳосилини ўришга мажбур бўлади. Хоразмдан қайтишда Киётдан беридаги Хос деган жойда Амир Темурнинг барча вазирлари ва улуғ амирлари йиғилиб, ҳибсдаги Кайхусравни сўроқ қиласидилар ва қилган жиноятини бўйнига кўядилар.⁵

О.Тангировнинг “XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрида қозилик судлари фаолиятига доир” мақоласига кўра, 1878 йилда Тошкент “эски шаҳар” уламоларининг иттифоқи билан шариат бўйича қозилар қуидаги ҳолларда сўроқ қилиши дуруст эмаслиги эълон қилинган:

1. Қозининг ўзига фойда қиласидиган ишни сўраб ҳукм қилиши;
2. Ўзининг фарзандларини ва барча авлодларини фойдасига сўроқ қилмоғи;
3. Отаси, бобоси ва ундан юқорисигача фойдасига сўраб ҳукм қилиши;
4. Онаси, момоси ва ундан юқорисигача фойдасига сўраб ҳукм қилиши;
5. Хотинини фойдасига сўраб ҳукм қилиши;
6. Дунёлик жиҳатдан ўзига шериклиги бор одамни фойдаси учун сўраб ҳукм қилиши.⁶

Ўрта асрларда сўроқ қилиш қасам ичириш, муқаддас китоблар ва бошқа диний муқаддас ҳисобланган предметларни ўртага қўйиб амалга оширилган. Жиноят қилганлиги учун ушланган гумон қилинувчи, кўпинча, турли шаклдаги қийноқлар билан сўроқ қилинган. Масалан, рус тарихчиларининг ёзишича, Россия императори Пётр I даврида сўроқ қилиш тактикасининг асослари шаклланган. Гумон қилинувчини сўроқ қилишда алоҳида қоидалар қўлланган, бунда кўпинча сўроқ қилиш тактикаси қийноққа солишдан таркиб топган.

³ А.Ж.Бадиров. Амир Темур давлатида қонунчилик// Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. Халқаро конференция тезислари. – Самарқанд, 1996, 67-б.

⁴. 72-бет.

⁵ П.Қодиров. Амир Темур сиймоси. Ўзбекистон. 2007. 144-бет (<https://n.ziyouz.com>)

⁶ <https://kukaldosh.uz/14/03/2018/854>

Жамиятнинг ривожланиши билан давлатларнинг қонунчилиги ўзгариб, сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг талаблари ва шарт-шароитлари ўзгарди. 1914 йилдаги Жиноий суд ишини юритиш Уставида айбланаётган шахсни сўроқ қилишга оид алоҳида қоидалар ўрнатилган, мазкур Уставнинг 404-моддасига кўра, саволлар қисқа ва тушунарли бўлиши лозим эди. Терговчи сўроқ қилинувчининг онгини турли ваъдалар, найранглар таҳдидлар ёки бошқа товламачилик ҳаракатлари билан чалғитмаслиги, сўроқ қилинувчи берилган саволларга жавоб беришни истамаган тақдирда ҳақиқатни аниқлаш учун бошқа қонуний воситаларни излаши лозимлиги кўрсатилган эди.⁷

Собиқ СССР вақтида жиноят процессида барча тергов ҳаракатлари, жумладан, сўроқ қилиш тергов ҳаракати ҳам бирмунча тизимлаштирилган. Ҳукуқбузарнинг, шоҳидларнинг ва бошқа шахсларнинг тушунтиришлари фактик маълумотлар манбаси сифатида судга қадар баённома юритишда белгиланган эди (ЖПК 415-модда). Бу босқичда тушунтиришлардан иборат фактик маълумотларнинг юритилиши далил ҳисобланган. Аммо амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик моҳиятига кўра, жиноят иши қўзғатилишига қадар тушунтириш олинган шахслар жиноят иши қўзғатилгандан сўнг, айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши лозим бўлган. Демак, кейинги босқичларда тушунтиришлар далил манбаси сифатида кучини йўқотган. Уларнинг ўрнини тергов ҳаракатлари, сўроқ жараёнида олинган кўрсатувлар эгалллаган.⁸

Энг қадимги тарихдан ҳозирга қадар сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг тушунчаси ва қоидалари ўзгариб такомиллашиб келмоқда.

Мазкур тарихий маълумотлардан келиб чиқиб, сўроқ қилишнинг, хусусан, гумон қилинувчини сўроқ қилиш ҳаракатининг ривожланиш тарихини бир неча босқичларига шартли равища бўлишимиз, даврлаштиришимиз мумкин:

Энг қадимги давр (Қадимги Хитой ва Қадимги Ҳиндистонда жиноят содир қилган шахсларнинг сўроқ қилишнинг ўзига хос усуллари қўлланган даври);

Ўрта асрлар даври, яъни V-XIX асрлардаги давр (сўроқ қилишга монархия шаклида давлат бошқаруви таъсир кўрсатган ҳамда диний омиллар, жумладан, мусулмон хуқуки қоидалари кенг қўлланган давр);

Сўроқ қилишнинг процессуал шаклланиш даври - XIX аср 2-ярми – Октябрь тўнташигача, яъни 1917 йилга қадар бўлган давр (Давлатларда, хусусан, Марказий Осиё худудида Россия империяси таъсирида сўроқ қилишга оид жиноят-процессуал қонунчилик шаклланган);

⁷ <https://studme.org/1791021130339/pravo/dopros>

⁸ Ю.К.Якимович. Структура советского уголовного процесса: система стадий и система производств основные и дополнительные промизводства. Монография. Томск: Изд-во Том. ун-та. 1991. Б.83-84

Совет жиноят-процессуал қонунчилиги даври – 1917 йилдан – 1991 йилга қадар бўлган давр (жиноят процессида иш юритишида сўроқ қилиш тизимлаштирилди);

Янги давр – 1991 йилдан ҳозирга вақтга қадар бўлган давр (Сўроқ қилишга оид процессал қонунчилик такомиллаштирилиб, сўроқ қилишнинг замонавий усуллари ва техникалари, шарт-шароитлар жорий этила бошлади).

Жиноят процессида амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари орасида сўроқ қилиш энг кенг тарқалган мустақил тергов ҳаракати бўлиб, терговчига юкланган иш ҳажмининг асосий қисмини ташкил қиласи. Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритишида, яъни дастлабки тергов ва суриштирув босқичида сўроқ қилиш жиноятни очишида, далилларни тўплашда, айборларни фош этишида муҳим аҳамиятга эга. Жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган шаклда иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисида сўроқ қилинаётган шахсдан маълумотлар олиш ҳамда янги далилларни топиш мақсадида оғзаки сўров шаклида ўтказиладиган тергов ҳаракатини сўроқ қилиш дейилади.

Бу тушунчага адабиётларда кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган:

Жумладан, Ўзбекистоннинг забардаст криминалист олими Ф.Абдумажидов “Сўроқ – терговчи билан жиноий воқеа ҳақида маълумот берувчи шахс ўртасидаги ўзаро мулоқотдир”⁹ деб атаган.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш унинг полиция ходими ёки терговчи билан биринчи учрашувидир. Гумон қилинувчи терговчида қандай далиллар борлигини ҳали билмайди, у терговчида уни айловчи далиллар йўқлигига умид қиласи. Шунинг учун, кўпинча сўроқ пайтида гумон қилинувчи тергов пайтида унинг хатти-ҳаракатларини аниқлашга ҳали вақт тополмайди.¹⁰ Шунинг учун ҳам гумон қилинувчини сўроқ қилишида алоҳида сўроқ қилиш тактикасига эҳтиёж сезилади.

Сўроқ қилиш тактикаси терговчи (суриштирувчи) томонидан амалга ошириладиган сўроқ қилиш тергов ҳаракатини самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласиган тактик усуллар йиғиндиси бўлиб, бу сўроқ қилинувчининг шахсига, мақомига, сўроқ қилувчининг билим ва кўникмалари ҳамда тажрибасига, сўроқ қилиш предмети ва шартларига боғлиқ бўлади¹¹.

Гумон қилинувчининг шахси жиноят процессининг асосий фигуранларидан бири бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари алоиҳада эътиборида бўлади

⁹ Абдумажидов Ф.А. ва бошкалар. “Криминалистика”. Дарслик-Т.: «Адолат», 2003. 299-б.

¹⁰ <https://studizba.com/lectures/jurisprudencija/konspekt-po-kriminalistike/32380-taktika-doprosa-podozrevaemyh-i-obvinjaemyh.html>

¹¹ Савельева М. В., Смушкин А. Б. Следственные действия/ М.В.Савельева, А.Б.Смушкин. М.: Юрайт, 2017. С. 122.

(жиноятни фош этиш, ҳақиқатни аниқлаш ҳамда жиноятлар профилактикаси жиҳатдан).¹²

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш тактикаси иложи борича эҳтиёткор ва танланган бўлиши керак, чунки маълум бир шахсга нисбатан шубҳа вазиятларнинг нокулай комбинацияси, тилнинг силжиши, нотўғри тушунча ёки хато натижасида пайдо бўлиши мумкин.¹³

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, қуийдаги таърифларни шакллантириш мақсадга мувофиқ:

Сўроқ қилиш – тергов қилинаётган жиноят иши бўйича муайян маълумотларга эга шахсдан унинг кўрсатувларини олиш жараёни ҳисобланади.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш – жиноят-процессуал қонунчилик асосида муайян шахснинг жиноят содир этганлиги юзасидан гумонга аниқлик киритиш мақсадида унга нисбатан сўроқ қилиш тергов ҳаракатини амалга ошириш.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш тактикаси – жиноят содир қилганлик тўғрисида мавжуд гумонни тасдиqlаш ёки бартараф этиш, бу борада янги далилларни қўлга киритиш мақсадида амалга ошириладиган усуllар йиғиндиси.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдумажидов F.A. ва бошқалар. “Криминалистика”. Дарслик-Т.: «Адолат», 2003.
2. Савельева М. В., Смушкин А. Б. Следственные действия/ М.В.Савельева, А.Б.Смушкин. М.: Юрайт, 2017.
3. Базарова Д.Б. “Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе” докторлик диссертацияси, 2021
4. Тактика допроса подозреваемого и обвиняемого (<https://www.grandars.ru/college/pravovedenie/dopros-podozrevaemogo.html>)
5. Тактика допроса подозреваемого и обвиняемого (<https://studizba.com/lectures/jurisprudencija/konspekt-po-kriminalistike>)
6. История допроса (<https://studbooks.net/1153431/pravo>)
7. А.Ж.Бадиров. Амир Темур давлатида қонунчилик.// Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. Халқаро конференция тезислари. – Самарқанд, 1996
8. Ш.Яздий. «Зафарнома». 1997.
9. П.Қодиров. Амир Темур сиймоси. Ўзбекистон. 2007.
- 10.Ю.К.Якимович. Структура советского уголовного процесса: система стадий и система производств основные и дополнительные производства. Монография. Томск: Изд-во Том. ун-та. 1991

¹² Базарова Д.Б. “Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе” докторлик диссертацияси, 2021, Б.82

¹³ Тактика допроса подозреваемого и обвиняемого <https://www.grandars.ru/college/pravovedenie/dopros-podozrevaemogo.html>